

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ●

2003 йил 28 июнь, №134 (3246)

Шанба

KYPHAAUCTAAP БАЙРАМИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Назокат УСМОНОВА). Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан пойтахтимизнинг Fафур Fулом номидаги маданият ва истирохат богида байрам тадбири бўлиб ўтди. Бу ерга матбуот сохасида узок йиллар мехнат қилган кекса журналистлар, матбаачилар, ёш қаламкашлар, вазирлик, идора ва ташкилотлар рахбарлари ташриф буюрди.

Давлатимиз рахбари Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригини Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси Х.Султонов ўкиб эшиттирди.

Миллий матбуотимиз ривожи учун узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келаётган кекса журналистлар ва оммавий ахборот воситаларида бугун ўз сўзи, ўз овозига эга бўлиб бораётган ёш журналистлардан бир гурухига давлатимиз рахбари номидан эсдалик совгалари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугун Ватанимиз эришган ютукларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган бетакрор ўзгаришларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлади. Мамлакатимизда сиёсий, иктисодий, ижтимоий ва маънавий сохада юз бераётган янгиланишларни, ислохотлар жараёнини хакконий ва тезкор ёритиш борасида журналистлар олдида турган масъулиятли вазифалар хакида сўз юритилди. Доимий эътибори ва

га миннатдорлик билдирилди. Давлатимиз рахбари табригида қайд этилганидек, хозирги кескин ўзгаришлар даврида мамлакатимизнинг жахон хамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаши нақадар мураккаб жараён эканини, ўз танлаган мустақил тараққиёт йўлидан собиткадамлик билан бориш хеч қачон, хеч қайси миллат учун осон кечмаганини инобатга олган холда, бугун хаёт олдимизга қўяётган мухим

гамхўрлиги учун Юртбошимиз-


мунини, рўй бераёттан вокеаходисаларнинг мохиятини очиб бериш, одамларнинг турли-туман қарашларини ифода қилиш ва мавжуд муаммоларни ечишда матбуотнинг роли ва ахамияти бекиёсдир.

Оммавий ахборот воситаларининг ходимлари одамлар манфаатларининг химоячиси бўлиши, бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабхада фидойилик кўрсатмоги

Юртбошимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига билдирган ишончи журналистларни янги ижодий изланишларга даъват этади.

Тадбирда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллабкувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган "Йилнинг энг фаол журналисти" танловининг голибларига мукофотлар топширилди.

Санъаткорлар ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури байрамга алохида шукух ва завк бахш этди.




Ховос туманида ғалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирмоқда. Хар бир гектар майдондан мўлжалдагидан бирмунча ортик микдорда дон саранжомлаб олинаётгани хам мўл хосил етиштирилганидан далолат беради. Айни пайтда далаларда еттита «Кейс», туртта Россия комбайни унум билан ишламокда. Техника воситалари эса хосил йигиштириб олинган замони пешма-пеш «Ховосдон» хиссадорлик жамиятига етказиб беряпти. Ховослик дехконлар ўрим-йигим мавсумини 20 иш кунида тугаллашни режалаштиришмокда.

СУРАТДА: комбайнчи Уткир Нурматов ўримда хамкасбларига ўрнак бўлмокда.

Нўъмонжон МУХАММАДЖОНОВ олган сурат.

Олий Мажлисда

OHA BA



БОЛА МУХОФАЗАСИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Оила ва аёллар муаммолари комиссияси хамда Халкаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кумитасининг кушма ингилиши бўлиб ўтди. Унда Бухоро вилоятида «Бола хукуклари тўгрисида»ги халкаро Конвенция хамда «Оналикни мухофаза қилиш тўгрисида»ги халқаро 103-Конвенциянинг ижроси масаласи кўриб чикилди. Бухоро вилоятида «Бола хукуклари тўгрисида»ги Конвенцияни ўрганиш бўйича дастур ишлаб чикилган. Айникса, вилоятда иктидорли болаларни кўллаб-кувватлашга алохида эътибор каратилмокда. 1694 нафар мактаб ўкувчисига турли жамғармалар ва оталик ташкилотлари томонидан стипендиялар берилмоқда. Жумладан, ўтган йили ўтказилган халқаро микёсдаги математика олимпиадасида қатнашған ўзбекистонлик 6 нафар ўкувчининг 3 нафари бухоролик болалар бўлиб, улар махсус сертификат билан қайтишди.

Вилоятда бугун 16 ёшгача бўлган болалар орасида бир нафар халкаро микёсдаги спорт устаси, 9 спорт устаси, 88 нафар спорт усталигига номзод, 285 нафар 1-тоифали спортчи, 5000 нафарга якин оммавий тоифали спортчилар тайёрлангани эътиборга мо-

ликдир. Мазкур Конвенциянинг 20моддасига биноан оила химоясидан вактинча ёки доимий махрум бўлган болалар давлат қарамоғига олинади. Васий ва хомийлар тайинланган болалар сони 1648 нафарни ташкил этади. 84 нафари «Мехрибонлик уйи»га, болалар махсус муассасаларига жойлаштирилган. Шунингдек,

ногирон болаларга уйда таълим бериш усуллари яхши йўлга қўйилган.

Вилоятда «Оналикни мухофаза қилиш тўгрисида»ги халкаро 103-Конвенциянинг ижроси борасида хам талай яхши натижалар кузатилган. Худудда 49,6 фоиз ахоли аёллардан иборат. Силга қарши ва ўсма касалликлар диспансерларида фертил ёшидаги аёлларга бепул хизмат кўрсатиш ташкил этилган. Аёллар ўртасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш максадида чекка кишлокларда «Оилани ижтимоий химоялаш» марказлари тузилмоқда. Шу йилнинг илк чораги давомида ўзини ўзи бошқариш органлари билан хамкорликда 22 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Уларда қатнашган 908 аёлнинг 422 нафари ишга жойлаштирилди.

Ингилишда муваффакиятлар билан бирга ечимини кутаётган талай муаммолар хам тилга олинди. Жумладан, 28 та мактаб қурилишлари тугалланмаган. 55 фоиз мактаблар тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Карийб 40 фоизга якин мактабларда спорт заллари йўқ. Тиббий муассасаларнинг асбоб-ускуналар билан жихозланиш даражаси юқори эмас. Айниқса, Пешку, Олот, Когон туманларидаги қишлоқ врачлик масканлари тиббий ускуналар билан атиги 25-30 фоиз таъминланган. Аёллар ўртасида камконлик, эндокрин, буйрак хасталиклари кучай-

мокда. Йигилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакат НОРМУРОДОВА

ДИЛЛАРДАН ЖОЙ OAFAH KAAOM

ва долзарб вазифаларнинг маз-

Барча соха кишиларининг ютукларидан қувониб, камчиликларидан куйиниб сўзловчи кишилар-бу матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларидир. Кеча ана шу захматкаш касб эгалари қутлуғ байрамни нишонлаш учун пойтахтимизнинг сўлим гушаларидан бири-Гафур Гулом номидаги истирохат богига йул олишди. Бу ердаги катта тадбирда Президентимизнинг соха ходимларига йўллаган байрам табриги ўкиб эшиттирилганда, журналистлар, ноширлар қатори бу ерга йиғилган барча жабха кишилари қалбида бир олам эзгу ниятлар жуш урганига гувох булдик. Айниқса, матбуот сохасида узок йиллардан бери тер тукиб мехнат қилиб элга танилган етук устозларимиз Назармат, Анвар Шомаксудов, Зиёд Есенбоев, Максуд Кориев, Олимжон Хакимовларнинг мехнати алохида эътироф этилгани даврага файзу тароват бахш этди. Бу эса юртимизда каттага хурмат, кичикка иззат каби ўлмас анъаналарнинг яна бир исботи бўлдики, бу биз, ёшлар учун яна бир ибратомуз холат бўлди.

Максуд КОРИЕВ, ёзувчи ва

вокеалар жуда кўп. Уларнинг хар бири маълум сабаб билан пайдо бўлади. Лекин фикримча, хар бир инсон учун касбикори ортидан орттирган обруэътибори ўзгача ахамиятта молик бўлса керак. Шу маънода айтадиган бўлсам, умрини касбига багишлаган одамлардан бириман. Инсон — у қайси сохада фаолият кўрсатишидан қатьий назар, фидойи бўлмаса, эътибор козонолмайди Мен давлатимиз рахбарининг хамкасбларимизга йўллаган байрам табригини ўқиб, нихоятда шод бўлдим. Зеро, бу касбнинг машаккатли томонларини ҳар ким ҳам англаб етолмайди. Шу сохада сочи оқарганлар табрикдаги «муътабар оксоколларимизга, яна узоқ йиллар орамизда юринг, сог омон булинг», дея айтган Президентимизнинг сўзларини эшитиб, ғайратлариға ғайрат қушилгани аниқ. Бундай юксак дил сўзларни улкан қувонч билан қарши олар эканман, сохамизга, касбимизга алохида эътибор бераётганларга тентдошларим номидан беадад миннатдорчилик изхор этаман.

профессор: Мен узок йиллар Тошкент давлат университетининг (хозирги УзМУ) журналистика факультетида бўлажак журналистларга сабок берганман.

Анвар ШОМАКСУДОВ,



Лекин хеч бир даврда журналистикага бу даражада эътибор -Инсон ҳаётида унутилмас берилганига гувоҳ бўлмаганман. Бу эса юртимизда демократик жараёнларнинг янада тез тараққий топишига замин хозирлайди. Президентимизнинг табрикларида айтилгани-

фарбар этишимизга даъват этдиларки, бу чишонч бизнинг масъулиятмизни оширади.

Тулкин РУЗИЕВ, «Спорт» газетаси бўлим бошлиги:

-Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътиборни хеч нарса би-



дек: «...ўз фикрини мустақил ифода этиш имконига эга бўлган очиқ жамият қуриш ва дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар билан хамнафас ва хамкор бўлиб яшашбизнинг эзгу максадимиздир». Хозир фахр билан айтишим мумкинки, журналистларимиз айни шу маслакларни олга суриб ўз фикрини, мулохазасини эркин баён этмокда. Буни, албатта, давлатимиз рахбарининг сохамизга алохида эътибор билан қараёттанлигининг самараси деб биламан.

Комилжон ШАМСИЛДИ-

НОВ, журналист: - Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини эшитганимда нихоятда гурурландим. Каранг-а, қанчалик эьтибор, муносабат. Авваллари журналистика оламига энди-энди қадам қўяётганларга унчалик ахамият берилмасди. Президентимиз ўз табригида ёш журналистларга мурожаат қилиб, халқимизнинг олий мақсадларини руёбга чиқариш, ёруғ келажагимизни барпо этиш учун бор билимимизни, куч-ғайратимизни са-

лан менгзаб бўлмайди. Бу эса спорт журналистлари зиммасига яна-да улкан масъулият юклайди. Спорт борасида олиб борилаётган ислохотларни хакконий равишда тахлил этиш, унинг ахамиятини хар бир кишига теранрок етказишнинг ўзи бўлмайди. Эътибор берган бўлсангиз, хеч бир мамлакатда спорт ва жисмоний тарбияга биздагидек ахамият берилмайди. Шундай экан, бу эътиборни қадрлашимиз, изчил таргиб этишимиз даркор. Ана шу йўлда, айникса, ёш, журналистиканинг мўътабар даргохида кириб келаётган, айни чогда фаолият юритаётган биз каби қаламкашларга давлатимиз рахбари алохида эътибор бераётганлигини байрам табригида янада чуқурроқ хис этдик. Ана шу юксак талаб ва эътибордан кейин астойдил мехнат килишта ўзим ва хамкасбларим номидан ваъда бераман.

> «Халқ сўзи» мухбири Максуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

турмайди ГУЛИСТОН (ЎЗА мухбири Т.АХМАДАЛИЕВ). Оқолтин туманидаги Усмон Носир номли хўжаликнинг дала шийпонида Сирдарё вилояти фаолларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда Кишлок ва сув хужалиги ва-

Bakm kymub

зирлиги комиссияси томонидан агросаноат секторидаги ишлар ахволи бўйича ўтказилган текширув якунлари мухокама қилинди. Кенгашда туманлар хокимлари, тегишли муассаса ва бирлашмалар, деҳқон-фермер ҳамда ширкат хўжаликлари рахбарлари, республикамиз вазирликлари, идоралари мутахассислари иштирок этди.

Кенгашни Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси И.Жўра-

беков бошқарди. Қишлоқ ва сув хужалиги вазирининг биринчи ўринбосари М.Юсупов вилоят далаларидаги ишлар ахволи тўгрисида ахборот берди. Тадбирда вилоят пахта далаларида гўза яхши ва калин униб чиккани, аммо ривожланишдан ортда

КАРШИ (УЗА, Ф.БОЗО-

POB). AKIII HUHIT "Endervour

LLS" компанияси "Қарши ёғ-

экстракция" хиссадорлик жа-

миятининг 35 фоиз акцияси-

фаолиятини мувофиклашти-

риш ва назорат қилиш марка-

зи маълумотларита кура, Рес-

публика фонд биржасида жа-

миятнинг 38,9 фоиз, яъни 101

минг 515 дона акцияси хори-

Кимматли қоғозлар бозори

ни сотиб олди.

қолаёттани таъкидланди. Бунинг асосий сабаби - қатор ораларига чукур ишлов бериш ва махаллий ўгит беришга эътиборсизлик билан қаралғанидир. Сирдарёликларга бу хакда кўп марта айтилган бўлишига қарамай, қупчилик бундан тўгри хулоса чикариб олмаган.

Шунингдек, пойтахтлик му-

тахассислар вилоят хўжаликларидаги кўпгина культиваторларнинг ярмидан ози бутланганини бир неча бор қайд этди. Бироқ ахвол деярли ўзгармаган. Шароф Рашидов туманидаги "Пахтаобод", Оқолтин туманидаги Укубоев номли ва бошка кўплаб хўжаликлар пахта далаларида яганалаш нихоясига етказилмаган. Вилоят пахтакорлари яхши хосил етиштириш учун барча керакли чора-тадбирларини кўриши лозимлиги таъкидланди. Комиссия аъзолари ғалла ўрими мавсумини ўтказишта доир маслахатлар ва тавсиялар берди.

Кенгашда вилоят хокими Р. Хайдаров сўзга чикди.

жий ва махаллий инвесторлар-

рининг 35 фоизи учун АКШ

нинг "Endervour LLS" компа-

нияси 236,56 миллион сум,

Тошкентдаги "Алп Жамол" ху-

сусий банки эса 3,9 фоизи эва-

зига 26,89 миллион сўм тўла-

ди. Хар бир акция нархи но-

минал киймати — 200 сўмдан

қарийб 13 баробар ошиб, 2

минг 593 сўм 24 тийингача

Шу билан бирга йигилиш-

кутарилди.

яратиб берган.


га сотилди. Корхона акцияла-

Ройдали Битим

Долзарб мавзу

• Асалимиз ўзбек заминини жахонга машхур қилиши мум-

 Сохани ривожлантиришга нималар тўскинлик килаяпти?



ACAAAPHUMMKAA ΑΧΒΟΛ ΥΗΓΛΑΗΑΔИΜИ?

Халқимизда «Етти хазинанинг бири» деган ибора тез-тез ишлатилади. Ана шулардан бири асаларичиликдир. Арилар гуллардан бол йигиб, шифобахш махсулот тўплайди, ўзидан-ўзи кўпаяверади. Шу боис уни оиланинг хазинаси ва табиби, деб хам аташади. Бундай бойликка эга оила хеч махал камбағал бўлмайди.

Хўш, сохани хазиналар манбаига айлантириш нималарга боглик? Муаммолар ечими қаерда? Президентимизнинг шу йил 24 мартдаги «Кишлоқ хужалигида ислохотларни чукурлаштиришнинг энг мухим йўналишлари тўгрисида»ги Фармони талабларидан келиб чикиб, асал ва асалари махсулотларини кўпайтириш йўлида қандай ишларга қўл урилди?

Маълумки, азалдан асал шифобахш неъмат хисобланади, «Асал еган касал булмас» деган гап бежиз ай-

тилмаган. Асалари инсондан тахминан 50-60 минг йил илгари пайдо бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган Буюк аллома Абу Али иби Сино «Тиб қонунлари» да даволанишнинг аксарият усулларини асал билан боглайди Унинг ёзишича, асал тетиклик бағишловчи, таом хазмини енгиллаштирувчи.

балғам кучирувчи, иштаха очувчи, умрни узайтирувчи, эслаш қобилиятини мустахкамловчи озика. Ундан яра, қўтир, чипкон ва ошкозоничак касалликларини даволашда хам фойдаланилади. Энг қадимги Хитой адабиётларида эса шундай сўзлар бор: «Асал ички аъзоларни

қарнайн жасадини жазирама Мисрдан Македонияга асал тўлдирилган тобутда олиб келишган экан.

Собик иттифок даврида Узбекистон асал етиштириш бўйича мамлакатда учинчи ўринга кўтарилган. Тонналаб соф асалимиз Россия, Болтикбуйи республикаларига

Кушлаймиз!

Узбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳайъати «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови голибларини эълон қилди. Улар орасида «Халқ сўзи» газетасининг Навоий вилояти буйича мухбири Абдувахоб Пирматов хам бор.

Биз хамкасбимизни чин юракдан қутлаймиз!

даволайди, иссикни тушириб, куч бағишлайди. Уни сурункали истеъмол килиш асабни мустахкамлайди, баданга енгиллик бахшида қилади, ёшликни, шунга муносиб умрни узайтиради». Тиббиётимизда айтилишича, асал таркибидаги дармондорилар инсон қонини янгилашга хизмат қилади, асабни тинчлантиради, тўкималарга янги хаёт багишлайди. Кадимги мисрлик ва румликлар ундан озик-овкат махсулотлари, гуштни сақлаш, мурдаларни мумиёлашда хам фойдалаништани манбаларда

қайд этилган. Искандар Зул-

олиб кетилган. Куплаб фармацевтика корхоналари унинг тансиқ махсулотлари гул чанги, прополис, мум ва сутига талабгор бўлишган. Республикамизда асаларичилик учун зарур асбоб-ускуналар тайёрлайдиган завод қурилиши мулжалланган. Махаллий янги навлар яратиш режалаштирилган. 1985 йилда «Узпчелопром» деб аталган республика ишлаб чикариш бирлашмаси таркибида 46 та ихтисослаштирилган давлат хўжалиги бўлиб, уларда 158 мингдан зиёд

(Давоми 2-бетда).

Узбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Махкамаси хузуридаги вояга етмаганлар ишлари буйича комиссиянинг навбатдаги йиги-

лиши бўлиб ўтди. Иигилишда Корақалпогистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида иктидорли ўкувчиларни қўллаб-қувватлаш, вояга етмаганлар орасида хукукбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг ахволига оид масалалар мухокама этилди,

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Мазкур худудларда бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, Қорақалпогистон Республикаси кишлокларида вояга етмаганлар орасида спортни ривожлантириш ва спорт мактабларининг моддий-техника негизини мустахкамлашта қаратилган ишларда жонланиш сезилмокда.

Бухоро вилояти хокимлиги томонидан эса хар ойда "Мактаблар куни" ўтказилиши йўлга қўйилган. Мунтазам ўтказилаётган бундай тадбирлар яхши самара бер-

мокда. Хоразм вилоятида хам ёшларнинг спорт билан шугулланиши учун қулай шароитлар яратилган. Бу ерда якинда

"Умид нихоллари" спорт мусобақалари юқори савияда, халкаро андозалар даражасида ўтказилгани бунинг яккол да-

Урганч шахрида халқ таълими бошкармаси вилоят илмий универсал кутубхонаси билан ҳамкорликда ўқувчиларга Интернет тизимидан бепул фойдаланиш имкониятини

да жойларда иқтидорли ўкув-

чиларни қўллаб-қувватлаш, вояга етмаганлар орасида хукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ғайриижтимоий фаолиятга жалб этувчиларга нисбатан қонуний чоралар қулланиши борасида қатор камчилик ва нуксонлар мавжудлигига алохида эътибор қаратилди. Бехзод НОРБОЕВ,

УзА мухбири.

ACAMAPHYMAKAA АХВОЛ ЎНГЛАНАДИМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

асалари уяси мавжуд эди. Уша йиллари асалари оилалари сони йилига 15-20 фоизга кўпайиб, махсулдорлиги тўрт килограммдан 19 килограммга етган. «Қайта қуриш» йилларида ушбу бирлашма тугатилиб, таъминотчи-тайёрловчи ташкилот - «Асал» ишлаб чикариш бирлашмаси тузилди. У фақат асаларичилик асбоб-ускуналарини етказиб берувчи сифатида фаолият кўрсатди. Қисқа муддатда соха инкирозга юз тутди. Кимёлаштириш сохаси унга қақшатқич

зарба берди. Тан олиш керакки, кейинги пайтда сохани оёққа турғазиш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Лекин улар хозиргача кутилган самарани бергани йўқ. Бирок минг дардга даво неъматни кўпайтириш, хорижга экспорт қилишнинг имкониятлари бисёр. Соха мутахассислари, хўжалик рахбарлари, тажрибали асаларичилар фикрлари шундан далолат беради.

- Юртимиз асал ва асал махсулотлари билан хам дунёга таниладиган кунлар якин, - дейди республика «Асал» уюшмаси раиси Абдухалил Чекалов. - Мамлакатимиз иклим шароити, худудларининг ранг-баранглиги, соханинг юксалиш сари юз тутаётганлиги шундай дейишга асос бўла олади. Утган йили тизимдаги хўжаликлар сони 15 тага, асалари оилалари сони 5 мингтага кўпайди. Махсулот ишлаб чиқариш 821 тоннани, жумладан, товар асал тайёрлаш 371 тоннани ташкил этди. Самарадорлик илгариги йилга нисбатан тўрт фоизга ошди. Қибрай туманидаги «Тошкент», Сирдарё вилоятидаги «Боёвут» хўжаликларида рентабеллик даражаси 52-55 фоизга, Китоб туманидаги «Асалчи», Шахрисабз туманидаги А. Хасанов номли ширкат хўжаликларида 39-41 фоизга етди.

Аммо баъзи хўжаликларда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Мисол сифатида Қорақалпогистон Республикасидаги ахволга назар ташлайлик. «Наврўз», «Толлик», «Элликқальа» хўжаликларида асалари оилалари сони камайиб кетди. Соха мутахассислари огир вазият олдида томошабин бўлиб туришибди. Шуниси диққатта сазоворки, бултур республикамиздаги 10 та асаларичилик хўжалигига қарийб минг гектар ер ажратиб берилди, зарур амалий ёрдамлар кўрсатилаяпти. Хўжаликлар, хусусий асаларичиларга 21 минг жамланма ускуна, 2,9 тонна мумпарда, минг дона юз никоби, 350 дона тутатгич ва бошка асбоб-жихозларни шартнома асосида етказиб берилди.

Очигини айтганда, махсулотни сотишдаги жиддий муаммоларни бартараф эта олмаяпмиз. Хўжалик рахбарлари, фермерлар ханузгача бозор талабларини ўзлаштира олишмаяпти. Асалимиз эса сифат жихатидан дунё талабларига тўлик жавоб беради. Қайта ишлаш, қадоқлаш, рекламада оқсоқлик сезилаяпти. Якинда Словакия давлати билан 600 тонна махсулот сотиш юзасидан шартнома тузилди. Демак, сохада дадил қадам ташлашни даврнинг ўзи такозо этмокда. Бирок кўпдан-кўп муаммолар борки, уларни зудлик билан бартараф этсак, шунда ахвол ўнгланади.

Хўжалигимиз 20 йилдан бери

асаларичилик билан шуғулланади. Дастлаб 1001 та асалари оиласи билан иш бошланган бўлса, хозир 2 мингдан ортик оила парвариш қилинмоқда. 16870 та янги асалари оиласи етиштириб, қушни вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикасига сотдик. Утган даврда минг тоннадан ортик асал ишлаб чиқарилиб, унинг 700 тоннаси давлатга топширилди, - дейди Шофиркон туманидаги Абу Али ибн Сино номли ширкат хўжалиги раиси Субхон ИСАЕВ. - Бултур вилоятда етиштирилган шифобахш неъматнинг 50,8 фоизи хўжалигимизда тайёрланганлиги, айникса, қалбимизда ғурур уйғотади. Оилавий пудрат жуда қўл келди. 84 пудратчининг хаммаси «Жилвон» ва «Кутчи» массивларини қадамбақадам билишади. Об-ҳавонинг келишига қараб, асалари уяларини кучиришаверади. Йилнинг 9 ойи давомида озика тўплаш чораларини кўришади. Дастлаб бодом, қайрагоч, сўнгра тол, ўрик, олма, шафтоли, чўл багридаги коврак, кампирсоч ва бошка ўсимликлар, ғуза, беда, янтоқ мул жойларни макон айлашади. Қарабсизки, бахорда хар бир асалари оиласининг ўртача шира тўплаши 0,3-0,5 килограммни ташкил этса, ёз давомида бу кўрсаткич 1-3 килограммга етади.

Асалари - кони фойда. Бултур Бобир Ражабов оиласи уч миллион сўмдан кўпрок даромад олди. Норгул Ражабова, Уктам Худойбердиев, Гофур Рўзиев ва Салим Жўраев каби пудратчилар хам оиласига, хам хўжаликка мўмай фойда келтиришди. 14 тонна асал ишлаб чиқарилиб, олдинги йилдагидан анча кўп даромад олинди. Соханинг келажаги озука базасини яратишдаги баъзи тушунмовчиликларни бартараф этишда. Шундай қулай имконият бўла туриб, нега пахтачилик хужаликлари асаларичилик билан шуғулланмаётир? Асалари оилалари қанча кўпайса, шунча яхши эмасми?

- Бундан беш йил олдин менга Хаж сафари насиб этди. Жидда шахрида самолётдан тушишимиз билан «Асал олиб келдингларми?» деб сўрашди. Бошқа республикалардан борганлардан сўрашгани йўқ. Сабабини суриштирсам, фа-


қат ўзбек асалига талаб катта экан. У софлиги, тозалиги, таъми билан бошқалардан ажралиб тураркан, дейди Ўзбекистон ветеринария илмий текшириш институти ходими Мираббос Аминжонов. - Асаларичилик билан шуғулланмайман, аммо жуда қизиқаман. Бир профессорни биламан, йилига шахсий асаларисидан 2-3 миллион сўм даромад қилади. Айтмоқчиманки, ўзбек асалини фақат Саудия Арабистони эмас, балки бутун дунё тан оладиган кунлар яқин. Аввало, соха кадрларини тайёрлашда туб бурилишга эришмоқ керак. Бир пайтлар Самарқанд ветеринария техникумида асаларичилар тайёрлайдиган факультет бор эди.

Хозир тугатилган. Эшитишимча, Америкада бир асаларичи 80 дан ортик асалари оиласини боқаркан. Яна улар бир жойдан иккинчи жойга кучирилмас экан. Чанглатиш зарур бўлса, уларга маблағ тўланаркан. Бизда эса асалари қанча кўп кўчирилса, шунча кўп асал олинади. Демак, хориж тажрибасини, технологиясини ўрганиш факат наф келтириши турган гап. Асаларичилик буйича янги конун керак. Кадрлар тайёрлаш масаласи тезрок хал этилиши даркор. «Асал» уюшмасининг вилоят бирлашмалари фаолиятини жонлаштириш ҳақида бош қотиришнинг пайти келди.

Маълумотларга қараганда, биргина Тошкент шахрида 1995 йилда 2200 киши асаларичилик билан шуғулланган бўлса, ҳозир уларнинг сони 300 тага тушиб қолган. Бир қатор хўжаликларда асалари оилалари 4-5 йилдан бери кўпайгани йўқ. Республика микёсида ахоли жон бошига ўртача 50 граммдан асал етиштирилаяпти. Уни 0,5-1 килограммга етказиш имконияти бор. Аммо қишлоқларда хусусий асаларичилар кўпаяётганлигини таъкидлаш лозим. Бу канчадан-қанча янги иш ўринлари, демакдир. Хаваскорларга амалий ёрдам зарур. Шу ўринда кейинги беш ой давомида биргина Навоий вилоятида 683 та асалари оиласи боқилаёттанлиги, кўплаб хўжаликлар, фермерлар бу ишга жиддий киришганлигини таъкидлаш кувончлидир.

Шу билан бирга, соханинг моддий-техника базаси ёрдамга мухтож. Касалликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш бўйича ҳозиргача умумий гаплардан нарига ўтилмаяпти. Тажрибали, фидойи асаларичиларнинг иш тажрибалари етарли даражада оммалаштирилмаётир. Зарур қўлланмалар, адабиётлар яратиш ҳақида жиддий бош қотирилмаяпти. Бу, аввало, «Асал» уюшмасининг биринчи галдаги вазифаси бўлиши

> Абдувахоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Тадбир


Келесдаги марказий ўйингохда «Умид нихоллари» ва «Баркамол авлод» ўйинларида голиб чиккан Тошкент вилоятининг ёш спортчиларини шарафлашга бағишланган тадбирлар «Биз, XXI аср ёшлари гиёхвандликка қаршимиз» шиори остидаги оммавий сайлга уланиб кетди.

Уйингохда ёшлар куни

Шуни айтиш керакки, спортчилар бу мусобақаларда ўзларининг қанчалик махорат ва кўникмага эгаликларини намойиш эта олдилар ва жами 46 та олтин, 45 та кумуш, 29 та бронза медалларини қўлга

киритдилар. Такдирлаш маросимида вилоят хокими У. Мирзакулов спортчиларни эришган ютуқлари билан қизғин табриклади.

- Мен бундай муваффақиятларга эришаман, деб асло ўйламаган эдим, - деди




«Баркамол авлод» спорт мусобақаларида шахмат бўйича олтин медаль сохибаси Шахноза Исроилова. - Устозларимнинг катта кўмаги, қолаверса, вилоят шаънини химоя килишдек, масъулият мени янада қатьийроқ курашга даъват этиб турди. Келгусида бундан-да нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришиш учун интиламан.

Уйингохда Узбекистон санъат усталари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди. Фестиваль давомида вилоятнинг ёш рассомлари томонидан чизилган гиёхвандлик оқибатларини ифодаловчи расмлар кўргазмаси хам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шу куни ўйингохга йигилган 20 мингга яқин йигит-қизлар гиёхвандлик, унинг оқибатлари қайдаю соғ-омон ана шундай хуррам давраларда юз кўришиш ғанимат эканлигини чукур хис этдилар.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ. СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавхалар.



ЕВРОПА ИТТИФОКИ КЕНГАЙИШ АРАФАСИЛА

Чехия Республикасининг Узбекистондаги элчихонасида Чехия, Польша ва Латвиянинг Европа Иттифокига (ЕИ) қушилишига бағишланган мат-

буот анжумани бўлиб ўтди. Шу йил 16 апрель куни Греция пойтахти Афинада ЕИга яна ўнта давлатни киритиш тўгрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтган эди. Чехия, Латвия ва Польша хам мазкур ўнликдан жой олган.

Номзод давлатлар рўйхати 2002 йилнинг декабрь ойида маълум қилинган эди. Ушандан буён мазкур мамлакатларда умумхалқ сўровлари ўтказиб келинмокда.

Чехия Республикаси элчихонаси консули Дана Денкова хоним журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан, 13-14 июнь кунлари Чехияда мамлакатнинг ЕИга кириши юзасидан халқ хохиш-иродасини билиш мақсадида ўтказилган референдумда сайлаш хуқуқига эга бўлганларнинг 77,3 фоизи бунга розилик билдирганини мамнуният билан таъкидлади.

Польша ҳақида гапирганда, шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур мамлакат Шарқий Европада биринчилардан бўлиб бозор иктисодиётига

асосланган демократик йулни танлаган эди. Натижада қисқа фурсатда минтақадаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишга муваффақ бўлди. Мамлакат 1994 йилдаёқ бу нуфузли иттифоққа аъзо бўлиш истагини билдирган ва хукумат бу ҳақда расмий баёнот берган эди. Шу йилнинг 7-8 июнь кунлари бўлиб ўтган референдум мамлакат хохиш-истаги рўёбга чикиши учун кенг имконият очди. Польша элчихонаси вакили Михаил Лабенданинг билдиришича, сайловчиларнинг 77,45 фоизи мамлакатнинг Европа Иттифокига киришини кўллаб-

кувватлаган. Латвиянинг юртимиздаги элчихонаси консули Алда Хўла хоним иттифок кенгайишининг мухим томонларига тўхталар экан, мамлакатимизда 20 сентябрь куни умумхалк референдуми ўтказилади ва биз халкимиз Ягона Европа билан бирлашиш гоясига хайрихохлигини бундан-да яхширок намойиш этишига ишонамиз, деди.

Маълумки, бугунги кунда ЕИнинг 15 аъзоси бор. Уларнинг айримлари ўз иктисодий салохияти билан дунёдаги кудратли мамлакат-

лар қаторидан жой олган. Иттифоқ аъзолари билан хар томонлама алоқаларни ривожлантириш жахондаги кўпгина мамлакатлар қатори Узбекистоннинг хам манфаатларига мосдир.

Шубҳа йўқки, кейинги вақтларда Узбекистон ва ЕИ бир-бирига сезиларли даражада яқинлашди. ЕИ аъзолари Узбекистонни ўзининг Марказий Осиёдаги стратегик хамкори хисоблайди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, 1996 йили Узбекистон ва ЕИ ўртасида Шериклик ва хамкорлик тўгрисидаги битимнинг (Флоренция, Италия) имзоланиши алоқаларни янги погонага кўтарган эди. Айни пайтда мазкур битимни хаётга жорий қилишга қаратилган "Европэйд" дастури лойихаси фаол амалга оширилмокда. ЕИ аъзолари яна ўнтага кўпайса, юртимизнинг Европага чи-

киши янада осонлашади. Янги ўнликнинг ЕИга қўшилиши тўгрисидаги хужжатлар батамом тасдикланганидан сўнг, номзод давлатлар 2004 йилнинг 1 майидан Европа Иттифокининг тўла хукукли аъзосига айланади.

Фазлиддин АРЗИЕВ,

ЎзА мухбири.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

ТОШКЕНТ (УЗА мухбири Замон ЭШОНКУЛОВ). Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Шу йил январь ойида мазкур

марказ ва тадбиркорларни информацион қуллаб-қувватлаш "Заковат" жамоатчилик жамғармаси ташаббуси билан кишлок инфратузилмасини яхшилаш орқали иқтисодий ислохотларни чукурлаштиришга каратилган лойиха бўйича республика танлови эълон килинган эди.

Танлов кишлок ёшлари орасида ечимини кутаёттан масалалар, уларни хал этишда махаллаларнинг ўрни, барча жабҳаларда олиб борилаёттан ислохотларнинг мохияти ва ахамиятини оммавий ахборот воситаларида ёритаёттан журналистларни қўллаб-

қувватлаш мақсадида ўтказилди. Тадбирда танлов голибларига мукофот ва эсдалик совғалари топширилди.

Coauk: EYHEAKOPAUK BA PAPOBOHAUK MAHБAU

Амалдаги қонунларга кўра, солиқлар юридик шахслар ва фукароларнинг давлат бюджетига тўлайдиган мажбурий тўловлари хисобланади. Уларнинг ижтимоий-иктисодий мохияти ва ахамияти давлатнинг табиати ва вазифаларига караб ўзгариб боради.

Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитаси Жисмоний шахслар томонидан солик тўгрисидаги қонунлар бажарилишини назорат қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Нурилла УМАРОВ билан сухбатда биз давлат бюджетини шакллантиришда мухим омил бўлган махаллий соликларни йиғиш ва улардан окилона фойдаланиш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар хакида кенгрок тўхталишни максад килиб кўйдик.

 Махаллий соликлар бевосита ахоли эхтиёжларини қоплашға, шахар ва кишлоклар инфратузилмасини шакллантириш, хонадонларни тоза ичимлик суви, газ, электр куввати билан таъминлаш, махаллаларии обод ва куркам қилишта сарфланиши жиҳатидан аҳамиятлидир, деди сухбатдошимиз. - Улар қанчалик тўлиқ ундирилса, фукароларнинг ижтимоий эхтиёжларини шунчалик тўлиқ қоплаш имкониятлари ярати-

Солиқ хизмати ходимларининг саъй-харакатлари туфайли солик тўловчи фукаролар хар йили рўйхатдан ўтказиб борилаяпти. Бугунги кунда мамлакатимизда 4 миллиондан ортик ер эгаси ва 4,6 миллиондан зиёд мол-мулк сохиби бор. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичлардан анча кўпдир. Махаллий соликларни тулаш ҳақидаги тулов ҳабарномалари уларга хар йили 1 майгача етказилаяпти. Хабарномаларда махаллий соликлар йил давомида тенг улушларда икки муддатда - 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмасдан туланиши эслатилмокда.

Бу йилги дастлабки муддат

нихоясига етди. Соликларни ундиришнинг ахволи кай даражада?

- Участка солик инспекторлари бу йўналишда махалла фаоллари билан хамкорликда жиддий иш олиб боришаяпти. Бугунги кунда махаллаларда қарийб 2200 нафар участка солик инспектори фаолият кўрсатмокда. Умуман, жисмоний шахслар билан ишловчи ходимларимиз сони 3300 дан ортик. Улар томонидан ахоли ўртасида олиб борилаёттан тушунтириш ишлари туфайли махаллий соликлар ва туловларни ундириш ишлари анча жадал кетаяпти. Шу кунгача бир қатор участка солик инспекторлари махаллий соликларни йигиш юзасидан йиллик топширикни бажариб қуйди. Улар Давлат солиқ қумитаси буйруги асосида муносиб равишда такдирландилар. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани давлат солиқ инспекцияси участка инспекторлари Назар Хўжакелдиев ва Нуриддин Холиёров шулар жумласидандир. Улар "Обод махалла йили" дастурида белгиланган тадбирларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадида ўзларига бирикти-

рилган участкалар буйича жисмоний шахсларга хисобланган молмулк ва ер соликларини апрель ойидаёқ бюджетга тулиқ ундирилишини таъминладилар. Хусусан, Назар Хўжакелдиев "Бўстон" ва "Талошқон" қишлоқ фуқаролар йиғинларидан 14475,3 минг сўмлик, Нуриддин Холиёров эса "Работак" ва "Чинобод" қишлоқ фукаролар йигинлари бўйича хисобланган 12424,8 минг сўмлик махаллий соликларни бюджетга ундириб берди.

Участка солик инспекторлари эришган бу ютукларда, албатта, ушбу қишлоқ фукаролар йиғинлари раислари Абдусалим Чориев, Бойбўри Турсунов, Даврон Кулмаматов, Абдуғани Тўхтаев ҳамда маҳаллалар фаолларининг хиссаси катта. Хамкорликда қилинган ҳаракатлар ту-

файли режалар барвақт адо этилди.

Самарканд вилояти Нарпай туманида хам фидокор участка солик инспекторлари оз эмас. Улардан бири - Равшан Турдиев ўз участкасидаги жисмоний шахсларга хисобланган мол-мулк ва ер солигининг тўлик ундирилишига эришди. Неъматжон Алимов хам "Корасий-

роқ" қишлоқ фукаролар йиғини буйича 5255 минг сумлик солик ва йигимларни тўлиқ ундириб олди.

Кўриниб турибдики, каерда участка солик инспектори махалла фаоллари билан якин хамкорликда ишлаётган бўлса, ўша ерда солик ва тўловларни ундириш енгил кечаяпти. Давлат солик кумитаси бу йўналишда республика "Махалла' хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда харакат дастурини ишлаб чикқан. Мазкур дастурга мувофик, йил бошида Тошкент шахар махалла қўмиталари раислари ва фаоллари билан солиқ тизими ходимларининг бевосита мулокотини ташкил этдик. Мулокот асносида соликлар ва йиғимларни ундириш билан боғлиқ кўпгина муаммолар ўз ечимини топди. Шу тажриба асосида эса бошка шахар ва туманларда хам махалла фаоллари билан солиқ хизмати ходимларининг учрашувларини ўтказиб, уларда солиқ қонунчилигидаги янгиликлар ва ўзгаришларни ахолига тушунтиришга алохида эътибор қаратдик.

Бугунги кунда қумитамиз қошида республика ахборот-маслахат маркази, вилоятларда эса 150 га якин туман ахборот-маслахат шохобчалари ва хоналари ишлаб турибди. Утган ойлар мобайнида уларнинг ходимлари иштирокида жойларда солик конунчилигига кири тилган янгиликлар ва ўзгартиришлар, жисмоний шахслар томонидан республикамиз худудига товарлар олиб келиш ва сотиш тартиби, махаллий соликлар ва йигимларнинг нималарга сарфланиши ва бошка кўплаб мавзуларда семинарлар ўтказилди. Уларда минглаб солиқ тулов-

"Фуқаролар қонунларга мувофиқ белгиланган соликлар ва ма**халлий йигимларни** тулашга мажбурдирлар".

(Узбекистон Республикасининг Конституцияси, 51-модда).

чилар иштирок этди.

 Солик хизмати ходимлари фақат солиқ йиғувчи ёки солиқ тарғиботчиси эмас, айни пайтда солик тўловчилар хам хисобланадилар. Улар фукаро сифатида ўзларига хисобланган махаллий соликларни тўлашда хам намуна бўлишяпти, деб айта оламизми?

 Албатта. Бир мисол. Қорақалпогистон Республикаси Чимбой тумани давлат солик инспекцияси ходимлари якинда ажойиб ташаббус билан чикдилар. Жамоанинг Наврўз байрамига бағишланган йиғилишида сўзга чиққан ДСИ жисмоний шахсларни соликка тортиш бўлими бошлиги Хажиб Камалов "Обод махалла йили"да бажарилаётган ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишларига хисса қушиш мақсадида ўз хамкасбларини мол-мулк ва ер солигини муддатидан олдин тулашга даъват этди. Бу ташаббусни биринчи бўлиб участка солик инспекторлари Ерназар Кадиримбетов ва Маманбой Жуманазаров қўллаб-қувватлашди. Уларга жамоанинг бошқа аъзолари ҳам қушилишди. Натижада туман давлат солик инспекциясининг 40 нафар аъзоси 2003 йил 24 мартда ўзларига хисобланган мол-мулк ва ер солиғини тўлаб қўйдилар.

Ташаббус тез орада бутун республика солик тизими буйлаб ёйилди. Жумладан, Амударё тумани давлат солик инспекцияси ходимлари ўзларига хисобланган 160 минг сўм мол-мулк ва ер солигини 29 мартдаёк махаллий бюджетта ўтказиб, ўз фукаролик бурчларини бажардилар Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

- Оммавий ахборот воситаларида солик конунчилигини купол равишда бузаёттан тадбиркор ва тижоратчилар жиддий танкид остига олинаянти. Сир эмас, бундай тоифадаги кишилар участка солик инспекторлари бириктириб қуйилган махаллаларда истикомат килишади. Хуқуқбузарларга қарши курашда участка инспекторларининг иштироки хусусида хам тўхталиб ўтсангиз.

 Инспекторларимиз бу сохада хам фаолликни оширмокдалар. Жумладан, Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Узбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўгрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилаётган рейд ва текширувларда иштирок этиб, сохта тадбиркор ва тижоратчиларнинг ноконуний хаттихаракатларига чек қуймоқдалар. Масалан, уларнинг хушёрлиги туфайли шу йилнинг беш ойи ичида 200 дан ортик яширин цехлар фош этилди. Хеч қаерда руйхатдан ўтмай, олди-сотди билан шугулланиб юрган мингдан ортик сохта тадбиркорлар ва тижоратчилар фаолияти тухтатилди. Яна мингга якин бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар аниқланди.

Қонун устуворлиги қарор топаетган хозирги пайтда куз илгамас хукуқбузарликлар хам эътиборсиз қолмаяпти. Жумладан, ўтган ойлар давомида участка солик инспекторлари томонидан аникланган ноконуний хатти-харакатларнинг 52 таси юзасидан жиноят иши қўзғатилди. 3900 дан ортиқ холат буйича маъмурий иш қузғатилиб, 54 миллион сум жарима қулланилди. 2013 нафар фукародан эса 94 миллион сум молиявий жарима ундириб олинди. Бу сохадаги ишлар давом этмокда.

Яна шуни айтишни истардимки, йил якунларига қараб, ҳар жиҳатдан намунали деб хисобланган участка солик инспекторлари ва улар бириктириб қуйган маҳаллаларни муносиб тарзда такдирлаш иш режамиздан ўрин олган. Бундан солиқ туловчилар ҳам манфаатдор бўлишларига ишонамиз.

> Жасур НОСИРОВ сухбатлашди.

Молия муассасаларида Халкаро Xamkopauk

ўрнатилди

Халк банки билан Германиянинг халкаро хамкорлик буйича жамгарма кассалари фонди ўртасида хамкорлик тўгрисида шартнома имзоланди. Банкнинг валюта бошкармаси бўлим бошлиги Рустам Кулжоновнинг айтишича, мазкур жамгарма техник хамкорлик допрасида 800 минг АКШ доллари микдорида грант ажратади. Лойихада банкнинг инфратузилмасини мустахкамлаш учун юқори малакага эга бўлган немис экспертлари томонидан маслахатлар бериб бориш кўзда тутилган. Хужжатда белгиланишича, Халк банки ходимлари ўз малакаларини ошириш учун Германиянинг етакчи молия муассасаларида бўлиб, семинарларда қатнашади ва тажриба орттиради. Жамгарма кассалари фонди банкка Тошкентда халқаро стандартлар асосида ишлайдиган намунали филиал ташкил этиш, Германияда ишлаб чикарилган автомобилларга ўрнатилган "кучма банклар" тизимини йўлга кўйишда амалий

ёрдам кўрсатади. Шунингдек, жамгарма банк филиаллари тизимини оптималлаштириш ва ходимлар мехнатини рагбатлантиришнинг самарали усулларини жорий этиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни хам амалга оширишни режалаштирмокда. Лойиха икки ярим йил давомида амалга оширилади. Кўзда тутилган режалар ижроси банкнинг молиявий хизматлар бозоридаги имкониятларини кенгайтиради. Бундан ташқари, шартноманинг имзоданиши аходи ва корхоналарга кўрсатиладиган хизмат-

ларнинг куламини оширади. Р. Кулжоновнинг сўзларига караганда, банк ва Германия халқаро хамкорлик буйича жамғарма кассалари фонди ўртасидаги хамкорлик 1996 йилдан буён давом этиб келмоқда. Хозирга қадар ўзаро ушбу йўналищда бир туркум семинарлар ўтказилган.

Банк ягона хисобваракка ymdu

